

НУҚУҚ

15
(434)

YURIDIK GAZETA

Апрел				
D.	3	10	17	24
S.	4	11	18	25
Ch.	5	12	19	26
P.	6	13	20	27
J.	7	14	21	28
Sh.	1	8	15	22
Y.	2	9	16	23
2006				

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz

Қисқа сатрларда

Жиззах

Амнистия нечта шахсга қўлланилди?

Олий Мажлис Сенатининг амнистия тўғрисидаги ўтган йили декабр ойида чиққан қарори вилоятимизда 1323 нафар шахсга нисбатан қўлланилган. Улардан 1161 киши жазодан озод этилиб, 160 тасига тайинланган жазо қисқартирилган. Шундан ички ишлар бошқармасининг жазони ижро этиш инспекцияси томонидан 455 нафар, манзил колонияларида жазо ўтаётган 464 нафар, жиноят ишлари бўйича судларда иши кўрилаётган 175 нафар шахс жазодан тўлиқ озод этилган.

Ойбек Йўлдошев,
Жиззах вилоят прокуратураси бўлими бошлиғи

Андижон

Прокуратура ва ёшлар

Андижон шаҳар прокуратурасининг ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган дастури шундай номланди. Шу эзгу мақсадни амалга оширишда шаҳар халқ таълими бўлими, маҳаллалар, жамоат ташкилотлари билан мунтазам ҳамкорлик йўлга қўйилган. Март ойида ҳам шаҳар прокуратураси ходимлари билан коллеж ва мактаб ўқувчиларининг учрашувлари ташкил этилди. Айниқса прокуратура ҳомийлигида ўтказилган «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловидан 12 та коллеж ва 24 та мактабнинг 5000 нафардан ортиқ ўқувчиси қатнашди. Ҳар бир танлов охирида прокурор-тергов ходимларининг маърузалари тингланди. Талабаларнинг ҳуқуқий мавзудаги саволларига улар атрофлича жавоб бердилар.

З.ҚОСИМОВ,
«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати
Андижон шаҳар бўлими раиси

Фарғона

Солиқ мажбурий тўловми ёки бурчми?

Фарғона вилоят солиқ бошқармасида «Ўзбекистон Республикасида солиқ сибестатининг асосий йўналишлари ва давлат солиқ идоралари фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритишни ташкил қилиш йўллари» мавзусида семинар давлатни бошқариш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларга сарфлангани орқали бевоасита жамият ва фуқароларнинг манфаати учун хизмат қилишнинг ҳар бир фуқаро шурига сингдиришда оммавий ахборот воситаларининг роли бекиёслигини алоҳида таъкидлашди. Солиқ идораларининг раҳбарлари ва ходимлари журналистлар билан ҳамкорликда солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириб боришлари лозим. Солиқ ва йиғимлар қандай мақсадда сарфланаётганини чуқур англаган кишида фуқаролик бурчини сидқидилдан адо этиш кўникмаси ҳосил бўлади.

И.ИБРОҲИМОВ,
«НУҚУҚ» мухбири

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили



«Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да халқимиз учун муносиб турмуш шароитини яратиш, мамлакат ободлиги ва юрт фаровонлигини ошириш борасидаги савий-ҳаракатлар янги босқичга кўтарилмоқда. Ҳаётимизнинг барча соҳаларида буй кўрсатаётган янгиланишлар бунга яққол мисолдир.

Яқинда пойтахтимизнинг Самарқанд дарвоза маҳалласида бунёд этилган 14-оилавий поликлиниканинг ишга туширилиши «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да амалга оширилаётган хайрли тадбирларнинг давомидир. Поликланиканинг ишга тушиши йигирма беш минг кишилик маҳалла аҳлига ажойиб совға бўлди. Эндилда бу ердаги 34 нафар малакали шифокор ҳамда кўплаб ҳамширалар қунига 250 кишига малакали тиббий хизмат кўрсатади.

Суратда: 14-оилавий поликлиниканинг умумий кўриниши.

А.ТЎРАЕВ олган сурат

Parlament faoliyati

Қўмиталар йиғилиши

Ўтган ҳафта якунида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталарининг йиғилишлари бўлиб ўтди.

Терроризмга қарши кураш масаласи нафақат мамлакатимиз миқёсида, балки халқаро ҳамжамиятнинг кун тартибидаги долзарб масалалардан бири эканлиги сабабли бир неча йил аввал дунё мамлакатлари ичида биринчилардан бўлиб Ўзбекистонда «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонун қабул қилинган. Ўтган йиллар давомида бу қонунни ижро этиш юзасидан салмоқли ишлар қилинди. Лекин вилоятларда бу йўналишда ишлаб чиқилган чора-тадбирларни қониқарли деб бўладими? Мана шу саволга жавоб топиш учун бир гуруҳ депутатлар Навоий вилоятида бўлди. Йиғилишда ушбу гуруҳ раҳбари Умид Исмоиловнинг маърузаси тингланди. Маълум бўлишича, вилоятда қонун ижроси юзасидан комплекс тадбирлар амалга оширилган. Аҳоли ўртасида профилактик ишлар олиб борилиб, бу йўналишдаги жиноятчиликка қарши барча соҳа вакиллари уюштиришга муваффақ бўлинган. 114 киши диний

экстремизмда айбланиб жазога озод этилган бўлса-да, уларнинг 8 нафари такроран жиноят содир этишга мойил деб топилган. Навоий вилоятининг Қозғоғистон билан чегара ҳудудлари демилатация қилинган бўлса-да, ҳамон демаркация қилинмаган. Чегаранинг катта масофага қўзилганлиги чегара қўшиқлари, ички ишлар ва боғжона ходимлари сонини оширишни талаб этмоқда. Ўрнатилган кўриқлаш минораларини талон-тарож қилиш ҳоллари учраб турибди. Чўл шароитида фойдаланишга мўлжалланган техникалар танқислиги сезилмоқда. Аҳоли ўртасида ишсизликни бартараф этиш бўйича узоққа мўлжалланган дастурлар ишлаб чиқилмаган.

—Терроризм ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. У табиғатга кўра диний экстремизм, наркобизнес каби бир қатор жиноят турлари билан бирга пайдо бўлади. Бинобарин, терроризмга қарши кураш чоралари сирасига аҳоли ўртасида тарғиботни кучайтиришни, ижтимоий муаммоларни бартараф этишни киратиш зарур, — деди Қонунчилик палатаси мудо-

фаа ва хавфсизлик қўмитаси раиси Аҳтам Турсунов. Айнан аҳоли ўртасида олиб борилаётган тарғибот ҳақида Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Ички ишлар вазирликлари вакиллари маълумот беришди.

Шунингдек, Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг ташаббуси билан «Малакали тиббий хизмат кўрсатишнинг ҳуқуқий асослари ва уларни тақомиллаштириш муаммолари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Мамлакатимизда тиббиёт тизимини ташкиллаштиришга оид тўққизта қонун қабул қилинган. Лекин соҳада чуқур ислохотларни амалга ошириш учун бу етарли эмас. Тезкор ривожланиб бораётган даврда аҳоли соғлигини таъминлаш ва кафолатлашнинг янги механизмлари зарур. Давра суҳбатида Соғлиқни сақлаш вазирлиги бошқарма бошлиғи Ш.Ҳошимов, Европайд дастури эксперти Ф.Бакаеваларнинг маърузалари тингланди. Суҳбат якунида «Тиббий фаолият тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш зарурлиги таъкидланди.

Абдурахмон МУСТАҒОҚУЛОВ,
«НУҚУҚ» мухбири

Чоршанбадан чоршанбагача

5 апрел

Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун рухсат бериш тартиб-таомиллари турлари қисқартирилганлиги ҳамда соддалаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунни матбуотда эълон қилинди.

Пойтахтимиздаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида «Металлургия. Кимё.-Энергетика— Industrial Expo Uzbekistan» халқаро кўргазмаси иш бошлади.

6 апрел

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оқсаройда Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё бўйича минтақавий вице-президенти Шигео Катсуни қабул қилди.

7 апрел

Ўзбекистон Республикасининг «Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунни матбуотда чоп этилди.

8 апрел

Ўзбекистон Республикасининг «Махсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тартиб-таомиллари соддалаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунни матбуотда эълон қилинди.

9 апрел

Юртимизда соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги кенг нишонланди.

10 апрел

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оқсаройда Россия Федерацияси Федерал мажлиси Федерация кенгаши раиси Сергей Мироновни қабул қилди.

Унутилмас меҳр, яхшилик...

Мен ўзимга юклатилган юксак масъулият ва инсоний бурчининг қандай қилиб ҳис этмаслигим мумкин, бу ишчи ва меҳрин оқлаш учун нега бор кучимни сарфламаслигим керак?!

3 бем

Авф этиш мумкин, бироқ...

...ўшбу ҳулосани берган психолог судда гувоҳ тариқасида қўшимча сўроқ қилинганда, у давлат тилини умуман билмаслигини ҳамда ўзбек тилидаги ҳужжатларнинг мазмунига тушумаслигини билдирган.

5 бем

Инсонийлиги йўқ одам

Номусга тегиш жиноятларининг содир қилинишида шаробхўрлик, ишсизлик ва жамоатчиликнинг эътиборсизлиги асосий омил ҳисобланади.

6 бем

Хаётда эзгулик ва ёвузлик, бахт ва бахтсизлик, қайғу ва шодлик, садоқат ва хиёнат, муҳаббат ва нафрат каби салбий ва ижобий хис-туйғулар ҳамиша ёнма-ён яшаб келади.

Кун ортидан тун келганидек, яхшилик ёмонликка, садоқат хиёнатга, севги нафратга айланганини гоҳ билиб, гоҳ билмай гафлатда қоламиз. Ўзлигини англашга интилувчи одам шундай савдолар бошга тушганида ўзича сабоқ олади, хулоса чиқаради. Хаёт эса тантилик билан бизга сабоқ беришдан тўхтамайди. Сўхбатимиз ана шу хаёт сабоқлари хусусида.

Ҳушнинг меҳри, яхшилик...

— **Рамазон Хасанович, инсон табиатидаги иллатлардан қай бири одамларга, жамиятга кўпроқ зарар етказиши деб ўйлайсиз?**

— Иллатнинг катта-кичиги бўлмайди. Лекин шу нарса аёнки, ҳар қандай иллат биринчи навбатда инсоннинг ўзлигига зиён етказиши. Хаётини тажрибадан келиб чиқиб айтган бўлсам, эркак киши учун энг ёвуз иллатлар хиёнат, сотқинлик ва иккиюзламачиликдир. Ушбу уч иллатнинг биттасига эга бўлган одамда уларнинг ҳар учаласи мавжуд деб бемалол хулосага келиш мумкин. Сотқинлик қилган одам, демак, бу ҳаракатлари билан яқинларига хиёнат қилади. Хиёнаткор одам эса албатта иккиюзламачидир. Чунки ўз қилмишини ашириш учун гўёки ўзини садоқатли одамдек тўтиб, мунофиқлик қилади.

— **Дароқе, садоқатли одам, шахсий содиқлик хислатлари ҳизматда қўпича қадрланади.**

— Фикримча, аслида давлат хизматчилари орасида шахсий содиқлик хислатлари бўлиши керак эмас. Чунки инсон сўзининг луғавий маъноси адашгучи, унуттувчи деган мазмунни англатади. Ҳар қандай раҳбар ҳам ҳақ қилиши, ҳатто йўлдан адашиши мумкин. Бундай пайтда шахсга содиқлик хисси оқибатида унинг нотўғри қилмишларига ҳам шерик бўлиб қолиши эҳтимол бўлганлиги учун бундай хислат қораланади.

— **Лекин шу билан бир вақтда ҳар қандай шахс аввалмбор инсондир. Шу нуқтага назардан қараганда, табиийки, унда инсонга хос бўлган турли хис-туйғулар мавжуд.**

— Тўғри. Шундай туйғулар орасида энг юксаклари бўлиши самимилик, ишонч, яхши инсонларга нисбатан ҳурмат, мардлик ва тўғри йўлдаги садоқат жуда қадрланади. Шу каби олижаноб туйғуларга эга бўлган раҳбарнинг адолатли талаблари билан эзгу мақсадлари муштарақ бўлса, ходимларда унга нисбатан ҳурмат ва садоқат хисси кучайиб бориши табиий ҳолдир. Бундай сифатларга эга бўлган инсонлардан ҳеч қачон хиёнатчи чиқмайди.

— **Лекин бу хислатларга қимлар эга-ю, ким эса мунофиқ эканлигини ҳар доим ҳам ажратиш олиш қийин. Хаётда қўпича кўрсан одам ҳам инсонга баҳо беришда баъзан адашади.**

— Чунки одамнинг олдиси ичиде дейишди. Бу нақлни халқимиз били йитган. Баъзида инсон ўзига энг яқин тутган киши аслида хиёнаткор бўлиб чиқиши, ўзи тарбиялаб воғга етказган шахс унга душманлик қилиши ҳаётда кўп учраган. Буюк мутафаккир Мирзо Улуғбекнинг ўғли Абдуллатиф ҳокимият учун ҳатто ўз отасининг қўлига айланганини ҳам тарихий ҳақиқатдир. Бундай инсонларга машҳур шоир Саъдий «Ғулистон» асариде тахминан шундай таъриф берган: *Кўп қизик экан бу дунёнинг иши, Баъзан ўз-ўзимга бераман савол. Ўзимдан ўз отанин ўрганган киши, Наҳот, бугун кўрагимни*

қилмоқда иншон.

— **Маълумки, хиёнат, яғнак, яғнак ва разолат айниқса мансаб, ҳокимият ва давлат бўлган жойда кўпроқ**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси бошлиғи Рамазон ПҲЛАТОВ билан сўхбат

учрайди. Мантқан олиб қараганда, иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси ҳам амалда катта куч, вақолат ва ҳокимиятга эгалиги сабабли бу ерда хиёнат ва яғнак каби жirikанч ҳолатларнинг юз бериш эҳтимоли кўпроқ деган фикрга муносабатингиз қандай?

— Эҳтимоллик мавжуд экан, бу қабих ҳаракатлар билан шугулланинаётган бўлиши мумкинлиги ҳақидаги бўлмон билан бошқармада ишлаётган ҳар бир ходимдан шубҳаланиш мумкин. Лекин гумон иймондан айирар деган гап ҳам бор. Юрагида инсоний меҳр, садоқат, ҳурмат ва қарздорлик хисси билан юрган одамга нисбатан шундай шубҳа билан қаралиши унинг кўнглига огир ботади, нафсониятига тегади. Бу ҳудди унинг устига муздак сув қуйиб юборгандек гап.

Аммо шундай ҳолатлар ҳам бўладики, ҳар бир ходимдан гумон қилаётган раҳбарни тўғри тушуниш керак. У қимдир сотқинлик қилаётгани ҳақида хулосага келибдими, демак, бунга унинг етарли асослари бор. Бундай ҳолатда хиёнаткор ва яғнак одамни аниқлаш кечиктириб бўлмайдиган вазифадир. Чунки бугун тишини чуқурроқ ботира олмай қолган иллатнингизда қанчалик кўп сақлаб юриб, унга қанча кўп яхшилик қилманг, у барибир бир кун келиб қақди. Чунки бу туйғу унинг ирсиятида мавжуд. Бирок, юқорида айтилганидек, бундай шахсларни аниқлаш қийин. Чунки мунофиқ одам ҳеч қачон ичиданини очикчасига айтмайди. Қўрқувмеки эгаллаб турган лавозимидан айрилиб қолиши мумкинлиги ҳақидаги ўйданим, ҳар қалай, аслида ичиде бошқача фикрда бўлган шахслар бунди умуман сездирмасликка ҳаракат қилади.

— **Ҳасад ва яғнак деганда кўз олдимизда тубан одам қиёфаси намойиш бўлади. Инсон қандай қилиб бу хисларнинг асирли бўлиб қолади?**

— Менимча, инсон бирор кимса ҳақида буюн гапларни тарқатиши учун қандайдир сабаб бўлади. Бу сабаблар турлича бўлиши мумкин. Масалан:

— яғнак қилинаётган шахсни кўролмаслик хисси.

Бундай тоифадаги шахслар асосан бир хил даражадаги ва мавқедаги одамлар орасида учрайди. Яъни, айрим тенг мавқедаги мансабдорнинг кўпроқ хурматга эга бўлаётгани ва обрў орттираётгани ҳасаддўйнинг ичини кемиради, унда шу шахсга нисбатан ёмонлик қилиш хиссини уйғотади;

— мансабга кўз олайтириш туйғуси.

Бу тоифадаги кимсаларни мансабга ўч бўлган, ҳокимиятга кўпроқ интиладиган ва, энг асосийси, агар мансабдор одам лавозимидан кет-

са, унинг ўрнини эгаллаш эҳтимоли бўлган шахслар орасидан қидириш керак.

— шахсий муносабатлар.
Бу тоифадаги одамлар ҳар қандай мансабда бўлган шахслар орасидан чиқиши мумкин. Кимдидир қаттиқ ҳақорат қилиш, кимгадир кескин қоралар қўриш, кимдидир ҳақдорлик жазолаш, қандайдир ҳуқуқлардан маҳрум қилиш ва шу каби ҳар қандай жиҳдий сабабларга кўра раҳбардан қаттиқ ранжиган ва норозилик кайфиятидаги шахслар турли уйдирма ва буюн гапларни тарқатиш орқали уни обрўсизлантириш, бу билан ўзини оқлаш ва ҳақлигини исботлашга ҳаракат қилиши мумкин.

— **Қандай инсонлар бу иллатлардан яғнак бўлиши мумкин?**

— Менинг фикримча, хиёнаткор ва яғнак одамлар қуйидаги тоифадаги шахслар орасида бўлмайди: — бошқалар ҳақида орқадан ёмон гаплар тарқатишга одатланмаган, фикрини одамнинг ўзига очик айтганда самимиий инсонлар. Бундай одамлар ҳар қандай ҳолатда ҳам бировини яғнак қилмайди. Лекин ўзaro сўхбатда яхши муносабатда бўлиб, орқадан ҳаммасини ёмонлаб гапирадиган одамдан кўрқиниш керак. Бундай шахслар ҳар қандай одам ҳақида ҳам шундай фикр билдириши ва зиндан буюн ушатириши мумкин. Бунди синиб қўриш қийин эмас. Ушбу тоифадаги

Башариат босиб ўтган узундан-узук йўл меҳнат жараёнидан иборат. Инсон ўзининг жамики бойликларини фақат меҳнат тўғрисида яратлади. Зеро, кишиларнинг меҳнатни қадрлашлари, улуглашлари, ёшларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашга уринишларининг бош омили ҳам ана шу ҳалол манфаатдорликдир.

Ҳазина гўйибдан эмас, меҳнатдан

Мамлакатимизда фермерлик ҳаракати кенг ўзоқ ёзмада.

Айниқса, катта тараддуд билан бошланган бу йилги баҳордан ернинг ҳақиқий эгасига айланган фермерларимизнинг умиди катта.

Кимдир чигит экваётган бўлса, бировлар галлазорга ўғит бериб, сугораетир. Бог-бонлар эса богини обод қилиб, экин-тикинлар парваришига тушишмоқда.

Президентимизнинг 2005 йил 14 июндаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиши янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда ундан кейинги қатор фармонлари ва ҳукумат

шахслар ҳақида қаҳрамон шоиримиз Абдулла Орипов шундай деган: *Шундайлар бор, сенга лўф айлаб, Ўстман дед қўли тўтарлар. Лекин ҳар зум қадаминг пойлаб, Хато қилишини кутарлар.*

— мансабга интилмайдиган ва уни йўқотишдан кўрқмайдиган, маърифатпарвар, мард ва ориятли одамлар. Ўзини ва бошқаларни ҳур-

тушунчалар мазмунини яхши ўқиб олганман.

— **Хаётда нимани йўқотишдан кўрқасиз ва сиз учун энг қадри туйғулар қайсилари?**

— Билдирилган ишонч ва эришилган обрўни йўқотишдан кўрқаман. Ўз меҳнатимга таяниб муқталиб ўстганим тўғрисидаги, менга қадаратга қўзил-

ган ҳар қандай меҳр қўлини чуқур хис қилман ва юксак қадриман. Бундай одамларга нисбатан юрагимда чуқур миннатдорлик ва қарздорлик хисси уйғонади. Фаолиятимиз давомида раҳбарият томонидан ўзимга нисбатан кўпроқ ишонч, ҳурмат ва эътибор кўрсатилганини хис қилдим. Мен буларни, қўлаверса, ўзимга юклатилган юксак масъулият ва инсоний бурчимни қандай қилиб хис этмаслигим мумкин ҳамда бу ишонч ва меҳрни оқлаш учун нега бор кучимни сарфламаслигим керак?!

— **Хаётда қичқарган хулосаларингиз?**

— Кимки буюн, гўйбат, яғнак ва сотқинлик йўлини тутибди, унинг жазосини худди беради. Елгон каби буюннинг ҳам умри қисқа. Эркак киши мард бўлиши, курашадиган бўлса очикчасига курашиши ва эътироз бўлса очикчасига айтиши керак. Номард ва пастхак кимсаларнинг ҳеч қачон қосаи қармаган. Улар маълум муддат мақсадларига эришиши мумкин, лекин охирақибат ўзлари қазиган чоғга ўзлари тушади.

Мен яхшиликка ёмонлик билан жавоб қайтарганидан, ўз ўрнини билмайдиган ва қарздорлик хиссини унутганидан даражада тубанлашиб кетадиган шахсларни инсон деб ҳисобламайман.

Фикримни Абдулла Ориповнинг шундай ажойиб мисралари билан яқунламоқчиман:

Дунда кўп нарса унутилади, Қашшоқлик, мартаба,

қувонч, қайғулар.

Унутилиб борар муҳаббат дарди,

Унутилар йиллар, йўллар, туйғулар.

Қирқ йиллик адоват

унутилар секин,

Унутилар ҳатто юракдаги дарз.

Яхшиларнинг меҳри

унутилмас лекин,

Унутилмас улар олдидеги қарз.

«Huquq» мухбири Бахтиёр НАЗАРОВ сўхбатлашди

қарашини, ўзининг ҳақ-ҳуқуқларини таниши ва талаб қилишни ўргана бошладилар.

Шу кунларда Самарқанд вилоят прокуратураси органлари томонидан барча туманларда фермер ва ишбилармонлар

ўртасида турли тадбирлар ўтказиб боришмоқда. Ўзга келадиган муаммоларни ўша худуд микёсиде хал қилишга эришилапти. Тендер комиссияларининг ишлари ҳам прокуратура органлари томониде кузатиб турилибди.

Энди ўтмиш ҳиссиётларидан чекиниб, замонга ҳамнафас одим ташлашга интилайлик. Мамлакат иқтисодийётини юксалтириш ва халқ фаровонлигини оширишнинг асосий шартларидан бири тадбиркорликни ривожлантириш эканлигини баралла айтганда ва тан оладиган пайт келди.

Исмаилюла Йўлдошев,
Самарқанд вилоят прокуратурининг катта вадмчиси

Ислохотлар иштиқболи

... Мамлакатимиз қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида фермер хўжалиқларини ривожлантиришнинг аҳамияти нечоғли катта эканини яна бир бор таъкидлаш жоиз, деб биламан.

Кейинги йиллар тажрибаси фермер хўжалиқларининг ширкатларга нисбатан анча юқори рентабелли бўлиши ва зарар кўрмай фаолият юритишини яққол тасдиқлади.

Ислом КАРИМОВ

Тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи

Туман прокуратураларининг ходимлари қишлоқ хўжалигида қонунийликни таъминлаш устида тўғри ишлашди.

Ерларни экинга тайёрлашдан тортиб ҳосилни йиғиштириб олишгача бўлган жараён мутахассисларни жалб этган ҳолда ўрганиб, таҳлил қилиб борилди. Аниқланган қўпол қонунбузилиш ҳолатлари бўйича 59 та жиноят иши кўзга тутилди. Салкам 1 млрд. сўмлик моддий зарарни ўндириш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича судларга 666 та даъво аризаси киритилди. Хусусан, айрим ширкатнинг пудрат бошлиқлари ва фермерлар чигит экиш мўлжалланган 177 гектар ерга ноқонуний равишда бошқа экинларни экишган. Уларга кўзда тутилганидек қайтадан чигит экилди. Аслида экилмаган 2242 гектар галлазор ҳисобга қўлиб ёзилгани аниқланиб, тегишли чора кўрилди.

Жумладан, Риштон туманидаги «Риштон — яшил бўстон» фермер хўжалигининг раҳбари Ш.Раҳимжонов ўтган йили шартнома асосида 63,9 гектарга чигит экиб, 109,9 тонна пахта етказиб беришни зиммасига олган эди. Июл ойида 6,8 гектар ердати ғўзани текислаб ташлаб, ўрнига полиз экинларини экиб олиши натижасида 4,3 тонна пахтани давлатга етказиб бермай 1.921.000 сўмлик зарар етказди. Туман прокуратура фермерни жиноий жавобгарликка тортиб, ерни ижарога олиш шартномасини бекор қилиш юзасидан вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритди.

Ўзбекистон туманидаги «Фанибод» ширкатининг мансабдорлари галла ва пахта экиладиган 1,6 гектар ерни қонунга хилоф равишда фуқароларга уй-жой қуриш учун «эхсон» қилиб юборишган. Оқибатда 1.042.000 сўмлик ҳосил еттиштирилмай хўжаликка кўп миқдорда зарар етказилган. Айрим «қўли очик» фермерлар пахта учун ажратилган ерларни сотиб юборишдан ҳам тал тортишмаган. Шундай 8 та ҳолатда ширкат ва фермер хўжалиқларининг мансабдорлари 45,9 гектар ерни фуқароларга уй-жой қуриб олиш ва бошқа мақсадда ноқонуний равишда бериб юборишгани аниқланиб, жавобгарликка тортилди.

Фермер ва деҳқон хўжалиқларига ер ажратишда таниш-билишчиликка йўл қўйишнинг олдини олиш чоралари кўрилмоқда. Олтиариқ туманидаги «Чукрқишлоқ» фермер хўжалиқларининг раҳбари Қ.Тўхлиев қўшимча ер ажратиши сураб «Жўрак» ширкати бошқарувига ариза берган. Умумий йиғилишда 425 нафар аъзонинг эътирози тўғрисида ариза қаноатлан-тирилмаган. Бироқ хўжалик раиси М.Охунжонов йиғилиш қарорини сохталаштириб, Қ.Тўхлиевга қўшимча 14,6 гектар ер ажратиш тўғрисида ёзув киритилган қарорнинг нуҳасини туман ҳокимлигига тақдим этган. Шу

асосда ҳокимнинг 182-қарори қабул қилинишига эришган. Туман прокуратура М.Охунжоновга нисбатан жиноят иши кўзга тутилди, жазонинг муқаррарлиги таъминланди.

Шу билан бирга теримчилар учун етарли шароит яратилмагани, ўз вақтида ҳақ тўланмагани, баъзан эса теримчиларнинг ҳақи талон-тарож қилингани аниқланиб, қонуний чоралар кўрилди.

Пахтага қабул қилиб олишда айрим корхоналарнинг раҳбарлари ва ходимлари товламачилик билан шуғулланишган. Хусусан, «Тошлоқ пахта тозалаш заводи» акциядорлик жамиятига қарашли «Гарбоб» пахта пункт мудир У.Айдаров ҳисобчи С.Азимов билан тил бириктириб, «Оминамомо сулоласи» фермер хўжалиқининг раҳбари Ш.Каримовдан пахтага юқори навларга қабул қилиш эвазига 150.000 сўм ва 50 доллар пора олган. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши кўзга тутилди, айблов ҳулосаси билан судга юборилди.

Фермер хўжалиқларининг ҳуқуқ ва манфаатлари қонун доирасида ҳимоя қилинмоқда. Прокуратура органлари 97 та фермер хўжалигига белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш ва банкларда ҳисоб-рақамларини очишга ёрдам берди. Фермер ва деҳқон хўжалиқларига 242 млн. сўмлик дебитор қарзининг тўланиши таъминланди. Қонун-қоидаларга оғишмай амал қилаётган деҳқонлар билан бирга ҳуқуқларини тасаруф этган ҳолда мажбуриятини унутиб қўётган фермерлар ҳам учрапти. Утган йили ердан бошқа мақсадда фойдаланган ва унумдорлигини пасайтириб юборган 116 та фермер хўжалиқининг 3508 гектар ерни ижарога олиш ҳуқуқини бекор қилиш юзасидан хўжалик судига даъво аризаси киритилди.

Президентнинг «2006 йилда қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкатлар)ни фермер хўжалиқларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» бўлими бошлиғи

Айни кунларда Наманган вилоятинда деҳқонлар ерга жадаллик билан чигит экишмоқда. Маълумки, мамлакат Президентининг «2006 йилда пахта таътиришининг прогноз ҳажмлари ва ғўзани навлар бўйича жойлаштириш тўғрисида»-ги қарори эълон қилинган. Бу қарор ижроси қандай таъминланаётгани билан қизиқиб, вилоят прокуратурасининг қишлоқ хўжалик соҳасида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бўлди.

— Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида вилоят прокуратураси ташаббус билан барча жойларда махсус гуруҳлар тузилган. Улар мунтазам равишда текширишлар ўтқа-

да-ти қарори ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратаётимиз. Ширкатларини тугатиш комиссияларининг фаолияти мунтазам равишда таҳлил қилиниб, қонунбузилиш ҳолатлари бартараф этилмоқда. Айрим ҳолларда танлов натижалари сохталаштирилган. «Фермер хўжалиги тўғрисида»-ги қонун ва низом талабларига зид равишда ғўлиблар эълон қилинган. Қува туманидаги Йўлдош Охунбобоев номи ширкатни тугатиш комиссиясининг мансабдорлари 3, 6, 12-лойдлардаги тендер иштирокчилари — М.Нуралиев, М.Отаҳўжаева қўйилган балларни кўпайтириб, бошқа иштирокчиларнинг эълон қилинган балларини пасайтириб ёзиб, расмий ҳужжатларни қалбақлаштиришган. Танловларда талабгорларнинг имкониятини мутахассислиги ва маълумоти, иш стаж, мажбуриятдан холи маблағларининг миқдори ҳақида банклар берган маълумотнома асосида баҳолашга оид қонун талабларига қатъий риоя қилинмаётган ҳоллар аниқланапти. Фарғона, Данғара, Олтиариқ, Тошлоқ, Охунбобоев туманларининг прокуратуралари киритган тақдирномалар орқали 74 та юқоридегидай қонунга зид ҳолат бартараф этилди.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бирида ишловларнинг қонуний кеншии ишлаб чиқаришнинг кескин ўсишига, қишлоқда турмуш даражаси оқсалишига замин ҳозирлайди. Мулкдан бегоналаштирилган собик ширкат аъзоларининг кун ўтса бўлди қабилида қўл учиди ишлаши ўрничи мулкдор — фермерларнинг кўпроқ ҳосил еттиштириб, кўпроқ даромад олишига интилиши эғаллаб, пировард натижада беради моддий манфаатдорлик тараққиётнинг қудратли ҳаракатлантирувчи кучига айланади.

Т.ХАСАНОВ,
Фарғона вилоят прокуратураси бўлими бошлиғи

зиб боришмоқда, — дейди бўлими бошлиғи Икромжон Солиев. — Афсуски, жойларда бир қатор қонунбузилишларга йўл қўйилаётган ҳолатлар ҳам аниқланмоқда. Масалан, ай-

Вақт кутиб турмайди

рим туманларда плёнка остига чигит экиш қандай олиб борилаётгани ўрганилганда, баъзи хўжалик раҳбарлари агрегатларни тўлиқ соғалмасдан ишлатаётгани аниқланган.

— Аниқ нисоллар келтирсангиз. — Масалан, Учқўрғон туманидаги «Қўқор ота» ширкат хўжалигида меҳанизатор К.Мутапов «ТЗ-100» маркали тракторни чигит экиш барабани



Яқинда аграр соҳага ихтисослашган юртимиз келажиги белгилаб берадиган муҳим тадбир ниҳоясига етди. Жойларда паст рентабелли ширкат хўжалиқлари тугатилиб, улар ўрнида фермер хўжалиқлари ташкил этилди. Ушбу йўналишда қабул қилинган «2006 йилда қишлоқ хўжалиги ширкатларини фермер хўжалиқларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Президент қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг «2005-2007 йилларда фермер хўжалиқларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарори ижросини таъминлаш борасида Бухоро вилоят прокуратураси органлари ҳам фаол иштирок этишди.

Эндиги вазифа — ишончни оқлаш

Вилоят прокуратураси органларига юқорида қайд этилган қарорлар ижросини таъминлаш борасида жойларда тузилган тугатиш комиссиялари ва ўтказилган танлов натижаларидан норози бўлган фуқаролардан жами 130 та ариза, шикоятлар тушган бўлиб, уларнинг 91 тасида танлов ноқонуний ўтганлиги, 39 тасида балл қўйишда ноҳосилликларга йўл қўйилганлиги билдирилган. Аризаларнинг 13 таси қаноатланган бўлиб, 27 таси рад этилган. Аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ҳақида 4 та тақдирнома, 8 та протест киритилиб, 10 та ҳолатда жиноят иши кўзга тутилган. Ҳозирда ушбу жиноят ишлари юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Жумладан, вилоят прокуратураси томонидан Пешку туманида яшовчи Ф.Холовнинг аризаси текширилганда тумандаги «Пахтабод» ширкат хўжалигини тугатиш комиссиясининг котиби Ф.Шодиевнинг кирдикорлари фож бўлди. Маълум бўлишича, Ф.Шодиев Ф.Холовга ширкат хўжалигининг 17-лойдҳасидаги 40 гектар ерни танлов ғўлиби сифатида ажратиб беришни ваъда қилиб, ундан 1 млн. 200 миң сўм олади.

Жондор туманида яшовчи фуқаро Р.Наврўзов эса тендерда ютиб чиқишнинг антиқа усулини ўйлаб топган. У тумандаги «Варахша» ширкат хўжалигининг 35-лойдҳаси бўйича ўтказилган танловда ғўлиб чиқиш учун бир пасда олий маълумотли бўлиб олади. Яъни у 1993 йилда Тошкент давлат Аграр университетини тамомлаганлиги ҳақидаги сохта дипломини тендер комиссиясига тақдим этиб, танлов ғўлиби деб топилди. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши кўзга тутилди, вилоят ҳокимининг Жондор туман ҳокимининг қарорини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорини бекор қилиш хусусида протест киритилди.

Текширишда айрим даъвогарлар ўзиники бўлмаган техникаларни меники деб кўрсатиб, танловга тақдим қилганлиги аниқланди. Когон туманида яшовчи Р.Остонов ана шундай уддабуронлардан бўлиб чиқди. У тумандаги «Рустам» фермер хўжалигига тегишли иккита «МТЗ-80» тракторларининг техник талонларини қалбақлаштириб, «Баҳовуддин Нақшбанд» ширкат хўжалигини тугатиш комиссиясига тақдим қилади ва танловда қатнашади. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши кўзга тутилди, ҳозирда тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Юқорида таъкидланганидек, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган тадбир якунланди. Энди фермерларимиз ўзига билдирилган ишончни оқлаши, соҳани ривожлантиришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўйиши лозим бўлади.

Бобир СОБИРОВ,
Бухоро вилоят прокуратурасининг катта ёрдамчиси

носоз ҳолатда ишлатган. Мана шу агрегат билан чигит экилган 30 гектар ер мутахассислар томонидан ўрганилганда 30,9 сотик ерга умуман чигит экилмагани аниқланди.

сифатли текислаб, ўтган йилги ғўзаяр паст қолдизларидан тозалаб олиш лозим. Бироқ Чуст, Косонсой, Уйчи, Норин, Учқўрғон туманларидаги баъзи хўжалиқларда бундай қилинмаган.

Оқибатда плёнкалар йиритилиб кетиб, чигит белгиланган уяларга тушмаган. Текширишларда аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан 18 қиши расман огоҳлантирилди. 38 нафар шахсга нисбатан интизомий ва моддий жавобгарликка оид иш кўзга тутилди. Бундай қонунбузилишларнинг олдини олиш юзасидан қатъий прокурор нозирати ўрнатилди.

Учқўрғон туманидаги «Ўзбекистон», «Қайқобод», Чуст туманидаги «Зарафшон» ширкатларида эса агрегатлар носозлиги тўғрисида ерга нормалардан анча кўп миқдорда чигит экилиб, исрофгарчиликка йўл қўйилган.

— Бунинг бошқа сабаблари ҳам бодир? — Албатта. Маълумки, плёнка остига чигит экиш учун аввало ерни

«Huquq» муҳбири Абдуқошим МАДАТОВ суҳбатлашди

Прокурор протести билан

Инсон ҳаёти бир текис кечмайди. Латофат (исм-фамилиялар ўзгаририлган) ҳам оила кураётганида турмуш ўртоғининг дилини огритиш ёки бирон жойига жароҳат етказишни асло хаёлига келтирмаганди. Аммо орадан ўтган оламушук...

2004 йилнинг 13 октябр куни Тошкент шаҳрида истикомат қилувчи Қ.Умаров ишдан уйига қайтиб, уст-бошини алмаштириб олгач, овқат тайёр бўлгунча сигарет чеккани балконга чиқиб кетади. Узининг айтишича, Латофат турмуш ўртоғининг ёнига келиб ишга бориб келишига пул сўрайди. Лекин Қосимжон хотини ҳадеб пул сўраётганидан безор бўлгани учун, олдин қарзларини узиб қўйишни айтиб, ҳақорат қилади ва уни ошхонадаги стол устига йиқитиб, бўға бошлайди. Бундан Латофатнинг нафаси ичига тушиб, кўзига ҳеч нима кўринмай қолади. Аммо орадан бироз ўтиб эрининг қўллари бўшашиб, буйнидан қўлини олганидан сўнг ўзига келгач, турмуш ўртоғининг буйнидан қон оқаётганини кўриб, ўзи билмаган ҳолда унга пичоқ уриб юборганлигини тўшунади. Шундан сўнг унга ёрдам кўрсатиш мақсадида ТТЗ касалхонасига олиб боради. Бироқ, етказилган жароҳат жиддий бўлганлиги сабабли Қосимжоннинг умрини сақлаб қолишининг имкони бўлмайди.

Ўтказилган суд-тиббий экспертиза эса ўпка ва қон томирларига қаттиқ тўмтоқ кесиб ўтувчи жисм билан жароҳат етказилиши ўлимга сабаб бўлганлиги ҳақида хулоса беради.

Авф этиш мумкин, бироқ...

Суд ҳукмига кўра, Латофат ЖКнинг 98-моддасига мувофиқ кучли ҳаяжон ҳолатида қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлигида айбланиб, ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисми 2-бандига асосан мамлакат президентининг амнистия тўғрисидаги фармони қўлланган ҳолда, унинг жиноят содир этишдаги айблик масаласи ҳал этилмасдан тугатилган.

Албатта, бир қарашда ҳақиқатан жиноятнинг содир этилиш мотиви ва мақсади аниқ ва равшан кўриниб турган бўлса-да, аммо жиноятнинг содир этилиш жойи ва ҳолатлари бироз шубҳа уйғотади. Бу эса Қ.Умаров жқинларининг асосли эътирозига олиб келган. Шу боис жиноят иши атрофлича ўрганиб чиқилганида ҳақиқатан ҳам қонуннинг бир қанча талаблари бузилганлиги, шужумладан дастлабки терговда ЖПКнинг 22-моддасига мувофиқ, иш бўйича исботланган лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан тўлиқ ва холисона ўрганилмаганлиги маълум бўлди.

Хусусан, жиноят ишида ёзилмиш, балконнинг ташқарига қараган 3 та кўли ойнаси мавжуд бўлиб, унинг пастидига 2-қават ўйна сарбони устидан «Пайн» сигаретининг қолдиги олинган. Унда қон доғлари топилганлиги кўрсатилган ва тергов даврида марҳумнинг «Пайн» сигарети чекиши ҳамда мазкур сигарет қолдигидаги қон унга тегишли эканлиги аниқланган. Лекин дастлабки терговда қолдиқ Қ.Умаровнинг оғзидан 3-қаватдан туриб 2-қават уй сарбонига қандай тушиб қолганини, қон доғларининг сачраганлиги умуман текширилмаган ва бунга ҳуқуқий баҳо берилмаган.

Ваҳоланки, воқеа содир бўлган вақтда хонадонда бўлган марҳум Қ.Умаровнинг вояга етмаган қизи «дадам ташқарига қараган ҳолда балконнинг очиқ ойнаси олдида сигарета чекиб турган эди, ойим у кишининг олдида борганидан сўнг дадам бирдан балконга йиқилиб тушди. Мен балконга чиққанимда дадамнинг ўнг елкасидан қон оқиб чиқётганини кўрдим. Сўнг ойим дадамни етаклаб, касалхонага олиб кетди» деб кўрсатма берган.

Воқеа куни сўроқ қилинган қўшилар эса Қ.Умаровлар хонадонда тўполон ёки бирон жанжал бўлганини эшитмаганликларини айтган. Бундан ташқари, воқеа содир этилган жой, яъни ошхонани кўздан кечириш баённомасига кўра, ошхонада

турган тумбочка устида ҳеч қандай қон доғлари аниқланмаган. Шунингдек, жиноят иши бўйича ўтказилган суд-тиббий экспертизаси хулосасига кўра, Қ.Умаровнинг ўнг елкасининг пастидан ундов белгисига ўшаш санчилик, асосланган жароҳат мавжудлиги, унинг юқори қисми ўчи, қуйи қисми тўмтоқлиги аниқланган. Бундай ҳолат жароҳат кесувчи жисм билан тепадан пастга қараб етказилганидан далолат беради.

Бу ҳолатларнинг барчаси эса Л.Қаландаровнинг тергов ва судда «умр йўлдошим Қ.Умаров ташла-дими, мени ҳақоратлаб, балконда турган ошхона тумбочкаси устига йиқитиб, ўнг қўли билан сочимдан тортиб, чап қўли билан эса қаттиқ бўғди. Нафас ололмай қолганим ҳамда ҳақоратларга чидай олма-сдан ўзим билмаган ҳолда унинг елкасига пичоқ урдим» деган кўрсату-вунинг ҳаққонийлиги шубҳа уйғо-тади. Шу боис унинг кўрсатуви-ни ҳар томонлама текшириш зарурати келиб чиқади.

Дастлабки терговда жабрланув-чи Қ.Умаровнинг жароҳати бўйича тергов эксперименти ҳамда суд-трас-сологик экспертизаси ўтказилмаган-лиги сабабли жароҳат қандай усул-да ва Л.Қаландаровнинг чап ёки ўнг қўли билан етказилганлиги аниқлан-маган ва шу асосда уни ЖПКнинг 98-моддаси билан айблаш ҳақида бар-вақт хулосага келинган.

Жиноят иши бўйича уч марта ўтказилган суд-психиатрик экспер-тизаси берган хулосаларда судла-нувчи Л.Қаландарова руҳий жиҳат-дан бутунлай соғломлиги ва ўзи-нинг барча ҳаракатларига жавоб бера олиши имконига эгаллиги тас-диқланган бўлса-да, қўшимча ра-вишда суд-психологик экспертиза тайинланган.

Қолаверса, эксперт-психолог Л.Қаландарова-нинг хатти-ҳаракати хусу-сига физиологик аффект ҳолатида одам ўлдириган деган хулоса берган. Бу эса фақатгина Л.Қаландаровнинг кўрсатмалари-га таянган ҳолда чиқарилган.

Лекин ушбу хулосани берган психолог судда гувоҳ тариқасида қўшим-ча сўроқ қилинганда, у ўзбек тилини умуман бил-маслигини ҳамда ўзбек тилидаги ҳужжатларнинг мазмунига тушунмаслиги-ни билдирган. Бу эса унинг юқоридagi мазмунда бер-ган хулосасининг асосли-лигини шубҳа остига қўяди.

Жиноят иши апелляция тартибида кўрилганда ҳам ушбу жиҳатга эъти-

бор берилмай, муносабат билдирилмаган.

Бундан ташқари, суд жиноят иши-ни атрофлича кўриб чиқиб, Л.Қаландаровнинг айблили масаласини муҳокама қилганлиги сабабли ЖПКнинг 98-моддаси билан айбдор деб топиш ҳамда унга нисбатан қўлланилган амнистия актига муво-фиқ жазодан озод этиш ҳақида ҳукм чиқариши лозим бўлганда, жиноят ишини ЖПКнинг 84-моддаси 1-қис-ми 2-бандига асосан амнистия ак-тини қўллаб, жиноят ишини ҳаракат-дан тўхтатиб, ЖПКнинг 421-моддаси талабига хилоф иш тутган. Мазкур модда талабига кўра, «суд махлуси-да ушбу кодекснинг 83- ва 84-мод-даси 1-қисмининг 1, 2, 3-бандлари-да назарда тутилган ҳолатлар аниқ-ланса, суд ишни кўришни давом эт-тиради ва 83-моддада кўрсатилган ҳолатлар бўйича оқлов ҳукми, 84-модданин 1-қисмининг 1, 2, 3-банд-ларида кўрсатилган асослар бўйича эса айбдорга жазо белгиламай ай-блов ҳукми чиқарилиши лозим»лиги назарда тутилган. Бироқ, қонуний мазкур талабларига судда эътибор берилмаган.

Ана шу ҳолатларнинг барчаси инобатга олинган ҳолда жиноят иши юзасидан қўшимча тергов ўткази-либ, суд жараёнида жиноят иши ҳар томонлама, тўла ва холисона тек-шириб чиқилиб, қонуний тўхтамага келинди. Чунки қонун барчага бар-бар. Буни ҳар қим билиши ва қатъий риоя этиши шарт. Қонун устуворли-ги таъминланган тақдирдагина ин-сонларнинг унга бўлган ҳурмати ҳамда адолатга бўлган ишончи оша-ди.

Н.КОМИЛОВ,

**Республика Бош прокуратураси
бошқарма катта прокурори**

Хисобли дўст айрилмас деб бежиз айтишмайди. «Айир тау» кичик қорхонаси ва «Халқ банки»нинг Зарафшон ҳамда Учқудуқ филиаллари ўртасида хизмат кўрсатишга оид шартнома тузилган бўлиб, унга кўра «Айир тау» ҳар икки банк биносини муқаммал таъмир-лашни, банк эса бажариладиган иш учун ҳақни ўз вақтида тўлашни зиммасига олади.

Бироқ, иш якунлангач, банк пулни тўлашдан бош тортади. Бундан норози бўлган «Айир тау» кичик қорхонаси ҳўжалик судига мурожаат қилиб, 41.112.405 сўм пулни ундириб беришни сўрайди. Суд даъвогарнинг талабини ўрганиб чиққач, ҳақиқатан ҳам уни қаноат-лантиришга асос борлигини аниқласа-да, қисман қаноатланти-ради. Апелляция инстанцияси эса мазкур қарорни ўзгартиришга қолдиради.

Пулни тўлашга келганда...

Лекин мазкур иш юзасидан чиқарилган суд қарорлари ўрганиб чиқилганда, Ҳўжалик процессуал кодексининг талаби бўйича улар бекор қилиниб, иш юритиш тугатилиши лозимлиги маълум бўлди. Чунки иш ҳужжатларидан кўринишича, тарафлар ўртасида 2001 йилда тузилган пудрат шартномасига мувофиқ, даъвогар — «Айир тау» кичик қорхонаси Учқудуқ шаҳридаги «Халқ банки» биносини муқаммал таъмирлаши, жавобгар эса бажариладиган иш ҳақининг 15 фоизини олдиндан аванс сифатида, қолганини эса иш бажарилганлиги ҳақидаги далолатнома имзоланганидан кейин тўлаши керак бўлган.

Ишни судда кўриш жараёнида ўтказилган назорат ўлчови натижа-сида бажарилган иш қиймати 2.503.826 сўмини ташкил этиши аниқ-ланган. Жавобгар мажбуриятини тўлиқ бажармаганлиги боис Навоий вилоят ҳўжалик судининг қарори билан ундан даъвогар фойдасига ушбу асосий қарз, 1.251.913 сўм пеняни қўшганда, жами 3.755.739 сўм ундирилган. Бироқ, жавобгар мазкур нарх назорат ўлчов натижа-лари асосида белгиланганига қарама-сдан, даъвогар сметани 1984 йилги нархларда тузиб, иш қийматини 1991 йил нархларида ҳисобла-ганили ва ҚК 80,59 индексини қўллагани учун далолатномани имзо-лашдан воз кечган.


Лекин дастлабки суд қароридан қаноатланмаган даъвогар судга такроран мурожаат этиб, низоли ишлар қийматини қайтадан 2003 йилнинг 20 декабрида экспертизадан ўтказиб, 1991 йилги нархларда ҚК-144,77 индексини қўллаган ҳолда асосий қарзни 9.558.533 сўмга чиқариб, бошқа ҳаражатларни ҳам қўшган ҳолда жами 44.868.144 сўм ҳисоблайди ва жавобгардан илгари ундирилган 3.755.739 сўмини айирганда жами 41.112.405 сўм миқдоридидаги пулни ундириб беришни сўрайди.

Шуни эътиборлики, судлар даъвои қисман қаноатлантиришга ил-гари қабул қилинган суд қарорини қайтадан муҳокама қилади. Ваҳоланки, ЖПКнинг 60-моддаси 2-қисми талабига кўра, ҳўжалик судининг илгари кўрилган иш бўйича қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори билан аниқланган ҳолатлар, худди шу шахслар иштирокидида бошқа ишни кўришда янгидан исбот қилинмайди.

Бундай ҳолатда, ЖПКнинг 86-мод-даси 2-бандига мувофиқ, айна бир предмет тўғрисидаги ва айна бир асос-лар бўйича низо юзасидан қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори мав-жуд бўлганлиги боис мазкур ҳўжа-лик иши бўйича иш юритиш тугати-лиши лозим эди. Бироқ, мазкур ҳолатда бундай йўл тутилмай, қонун талаби бузилган. Бу эса ЖПКнинг 200-моддаси 1-қисмига биноан ҳал қилув қарорининг назорат тартибиде ўзгаририлиши ёки бекор қилиниши-га асос бўлади.

Республика Бош прокуратураси-нинг ушбу асослардан келиб чиқиб, Республика Олий ҳўжалик суди Раёса-тига назорат тартибиде киритган про-тести қаноатлантирилиб, қонун усту-ворлиги таъминланишига эришилди.

А.АХМЕДОВ,
**Республика Бош прокуратураси
бўлим катта прокурори**



Суратда: Республика Бош прокуратурасининг эришлуда фуқаролик ишлари кўрилиш-да прокурор ваколатини тазминлаш бўлими прокурорлари М.Тўраев ва Р.Мухамеддинов-валар иш устида.

Ҳукумат истеъфоси

Белорусда мамлакат ҳукумати истеъфого чиқди. Утган ҳафта шанба кuni Беларус бош вазири Сергей Сидорский ҳукумат йиғилишида ҳукумат аъзоларини тарқатиб юбориб, ўзи ҳам истеъфого чиқди. «Новости» ахборот агентлигининг хабар беришича, Беларус ҳукумати матбуот хизмати бу ҳолатга изоҳ берган. Унга кўра, Беларус қонунчилигига биноан президент инаугурацияси вақтигача бу жараён амалга оширилиши лозим. Кутилишича, яқин орада президентликка қайта сайланган Александр Лукашенко янги ҳукуматни ташкил этади ва парламент муҳокама-си яқини билан бош вазир номзодини ҳам тасдиқлайди.

Товламачи ишбилармонлар

Жанубий Кореянинг энг йирик ишбилармонларидан бири — «Hyundai Automotive Group» раҳбари Чон Мон Гу ва унинг ўғли «Kia motors» компани-яси бошлиғи Чон Юй Сун товламачилик ва пора бериш жиноятида айблан-моқда. Ҳозир Корея прокуратураси мазкур икки шахсга мамлакатни тарқ этишни таъқиқлади, шунингдек, шу ҳафта уларни тергов қилиш жараёни бошланади. Чон Мон Гу мамлакатдаги юқори лавозимли сийсатчилар ва давлат арбобларига катта миқдорда пора берганликда айбанибгина қол-май, «Hyundai Automotive Group» ҳисобидаги маблағларни қонуний ра-вишда ўзининг ўлига ўтказиб берганликда ҳам айбланмоқда. Жанубий Корея бош прокурори Че Дон Вукнинг таъкидлашича, Чон Мон Гунинг айбдорлиги деярли исботланган ва тез орада унинг иши судда қурилади.



Евро муаммоси

Европа иттифоқи Литванинг ўз ҳудуди-да ягона Европа валютаси — еврони жорий этиш тўғрисидаги сўровига рад жа-вобини берди. Мазлумки, 2004 йилнинг май ойида Евро-па иттифоқига аъзо бўлган, Литва ўзининг иқтисодига қатор ўзгаришлар киритишни назарда тутган. Улардан бири еврони жорий этишдир. Бирок, бунга эришиш учун Литва ҳукумати Европа иттифоқига аъзо давлатлар молия вазириларининг бешта талабини бажариши ло-зим эди. Ушбу талабларга кўра, мамлакат бюджети-нинг кирим ва чиқим харажатлари тенглаштирилиши, ташқи қарзлар қамайтирилиши, банклардаги омонат-лар миқдори Европанинг бошқа давлатларидагидек бўлиши, миллий валюта курси барқарорлаштирилиши ва инфляция даражаси 1,5 фоиздан ошмаслиги лозим. Литва сўнгги бешинчи талабни амалга ошира олмаган. Мамлакатда инфляция даражаси 3,5 фоизни ташкил этади. Шунинг билан бир вақтда еврони ўз ҳудудида жорий этиш бўйича сўров билан мурожаат этган Европа иттифоқининг яна бир аъзоси Словенияга розилик берилган. Франциянинг «Le Monde» газетасида баён этилишича, Европа итти-фоқига 2004 йилда аъзо бўлган 10 давлатдан фақатти-на Литва ва Словения еврони жорий этишга рўхсат сўраб мурожаат қилган.

АВТОМОБИЛ ТОВАЛАН!

10 апрелдан бошлаб Москвада автоуловларининг озодалиги-га бепарво бўлган шахслар жавобгарликка тортилади. 10 апрелдан 10 майга қадар давом этадиган «Озода автомобил-тадбири вақтида ташқи кўриниши чанг, лой бўлган автоуловлар-нинг эгаларига жарима солинади, номери кўринмайдиган машиналар эса Москва шаҳри ҳудудига умуман киритилмайди. Жарима миқдорини йўл ҳаракати хавфсизлиги инспекторлари ўз таҳлилларига кўра белгилайдилар. Таъкидлаш керакки, 90-йиллардан бери ҳар йили ўтказиладиган шундай тадбир натижа-сида давлат казнасига мўмайгина даромад тушган. Биргина 2005 йилдаги бир ойлик тадбир давомида 80 мингта ташқи кўрини-ши чанг, лой бўлган автоуловлар аниқлан-ган ва уларнинг эгаларига 3,2 миллион рубл жарима солинган.



Норозилик намоёнлари

Непалда тартибсизликлар давом этмоқда. Гап шундаки, мамлакат пойтахти Катмандуда минглаб одамлар кўчаларга чиқиб монархия тузумига қарши намоёнлар уюштирилди. Намоёнчилар мамлакатда демократия тамойиллари қарор топишини, қирол Гиендранинг тахдан воқеанинг талаб қилинмоқда. Хиндистон ҳамда Хитой ўртасида жойлашган Непалга давлат сифатида асос солинганидан бери мамлакат монархия тарзида бошқариб келинади. Амалдаги қирол Гиендра Непалдаги мухолифат-чи кучларнинг митинг ва намоён-ларнинг ўтказиш режасига ҳес қилиш мақсадида бундай тадбир-ларни таъқиқлаган. Бирок, бир неча кундан бери мамлакатнинг турли бурчакларида норозилик намоёнчилиги ўтказилмоқда.



Кўрқитиш операцияси

«Нью-Йоркер» журналининг 9 апрелда нашр этилган сониде журналист Сей-мур Херш АҚШ президенти атрофидаги расмийларнинг ахбороти та-янган ҳолда АҚШ раҳбарияти Эронга ядровий зарба беришни режалаштираётгани ҳақида мақола ёзган. Хершнинг ёзишича, жорий йил кишида Пентагон томони-дан Оқ уй маъмуриятига Эронга қарши амалга ошири-ладиган ҳарбий операцияларда ер ости bunkerларини яқсон қилиш қудратига эга бўлган «Бн-61-1» маркали тактик ядровий қуролдан фойдаланиш таклифи киритил-ган. Мақолада АҚШ ҳарбий разведкаси собиқ ходими-нинг мулоҳазалари баён этилган. Унинг гапига қараган-да, президент Буш ва унинг издошлари Эрон раҳбари Аҳмади Нахот қиёфасида янги Адолф Гитлери кўриш-моқда. Оқ уй маъмурияти Эрон муаммосини бартараф этиш учун ракета зарбаларидан ўзга чорани кўрмапти. Собиқ офицернинг фикрича, ҳозир АҚШ Эронга нисба-тан «кўрқитиш» операцияларини олиб бормоқда. Шу сабаб Арабистон денгизидеги АҚШга қарашли авиано-сец (бортида самолёт ташувчи кема)лардаги тактик самолётлар тез-тез Эрон ҳаво зарбасига қарши радар-лари таъсири доирасида учиб юришмоқда. Шу йўл билан улар ядро қуролини етказиш борасидаги ҳарбий опера-циялар қай даражада тез амалга оширилиши мумкинли-гини Эрон ҳукумати га кўрсатиб қўймоқчи чоғи. Бирок, Оқ уй, АҚШ давлат департаменти ва бошқа соҳа маъмури-ятлари мазкур мақолага нисбатан фикрини билдирма-дилар.

Таъкидлаш керакки, яқинда кунин Эрон ҳаво ҳужуми-га қарши кучлари мамлакат ҳаво ҳудудида учиб юрган АҚШга қарашли ҳарбий самолётни уриб туширди. Шу-нингдек, Эрон парламентининг энергетика қўмитаси вакили Саид Абдулмажид Шожа журналистларга берган интервюсида Эрон ўзининг ядровий дастури соҳасида бир қанча ютуқларга эришганини таъкидлаб, яқин кун-ларда мазкур ютуқлар эълон қилинишини билдирди. Эрон вице-президенти Фуломризо Оғазоданинг айтиши-ча, Эрон ҳукумати ядро соҳасида ҳали ҳам МАГАТЭ билан ҳамкорлик қилишни давом эттирди, лекин БМТ хавфсизлик кенгашининг Эрон ядро дастури бўйича ҳар қандай чеклов ва қарорлари Тхрон учун ҳеч бир ҳуқуқий асосга эга бўлмаслигини қайд этди.

Приморск ўлкаси (Россия)нинг наркотик моддаларни назорат қилиш бошқармаси томонидан «КамАЗ» мар-кали машинага юклаган наркотик моддалар олиб қўйилди. «Regions.ru» ахборот агентлигининг хабар бери-шича, мазкур оғу Приморск ўлкаси-нинг Пограничний туманида ўтказил-ган рейдда қулга туширилган. Нарко-тик моддаларни ишлаб чиқарган цех тумандаги Украинка қишлоғи четида жойлашган бўлиб, у ерда бир неча кўлбола ускуналар ишлатилган. Цех

Бир «КамАЗ» оғу

яқинида наркотикларни ишлаб чиқ-аришда зарур бўлган қомашлар яши-риб қўйилган. Қизиғи шундаки, ма-зкур цехдан олинган наркотик модда-лар бир жойга жамланганида улар-нинг барчаси битта «КамАЗ»нинг юкига тенг бўлган. Айни дамда ушбу цех кимга қарашлилиги, жиноятчи-ларни аниқлаш борасида тергов олиб борилмоқда.

Ким билан тўқнашган паром

Япония киргоқлари яқини-да йўловчиларни олиб ке-таётган паром улкан кит билан тўқнашиб кетган. Маълумотларда айтилиши-ча, тезорав «Топпи-4» па-ромни яқинда кунин одатий Гагосимо шаҳри ва Яку оро-ли йўналишидаги рейсин амалга ошираётган бўлган. Бирданига номаълум объект 80 километр те-злика келаятган паромнинг орқа томонига урилиб кет-ган. Тўқнашув натижасида 93 киши турли даражада жараҳат олган, паромга ҳам жиддий шикаст етган.



Узоқ умр сири

Халқаро соғлиқни сақлаш таш-килоти инсон ҳаёти давомийлиги бўйича статистик маълумотлари-ни эълон қилди. Уларга кўра, энг узоқ умр кўрадиган миллат япон-лар экан. Бу ерда ўрта ҳисобда умр давомийлиги 82 ёшни ташкил этади. Уз саломатлигига эътибор бериб яшаган япон эса 100 ёшдан ошмиқ умр кўриши ҳам мумкин экан. Энг қисқа умр кўрадиганлар эса зимбабвेलликлар. Урта ҳисоб-да Зимбабве аҳолисининг умри 37 йилни ташкил этади. Бунга асосий сабаб мамлакатда ҳукм сураётган очарчилик ва ноҳор-ликдир. Сўнгги 7 йил ичида пре-зидент Роберт Мугабе раҳбарли-гида мамлакат иқтисодиёти 40 фоизга қисқарган, деярли ҳеч бир соҳада ривожланиш кузатилма-ган.

Қолган давлатларда бу кўрсат-кич турлича, АҚШда — 75, Россия-да — 67, Полшада — 73, Армени-стонда — 70, Украинада 62 ёшни ташкил этади.

Сайловдаги безорилик

Перуда мамлакат президентлигига, конгресс ҳамда Анд парламенти-га сайлов ўтказилди. Ҳозирча сайловнинг расмий натижалари эълон қилинган йўқ. Перу оммавий ахборот воситалари тарқатган маълумот-га кўра, президентлик курсисига бир неча номзод даъвогарлик қилмоқ-да. Улардан бири — Миллий партия етакчиси Олянто Умала сайлов участкасига келганда номаълум шахслар Умалани дўшпослашмоқчи бўлишган. Олянто Умала ғазабланган одамлардан қочиб, сайлов участ-каси яқинидаги бинолардан бирига кириб яширинган. Воқеа жойига етиб келган полициячилар бу ҳолатга тезда барҳам беришган. Воқеадан воқиф бўлган мамлакатнинг амалдаги президенти Алехандро Толедо сайловда иштирок этаётган номзодларга мурожаат этиб, ўз тарафдорла-рини тартибга қақирган.

Саҳифани интернет хабарлари асосида Д.ШУМУРДОВ тайёрлади

Ўтганларнинг охираги обод бўлсин!

Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖК департаменти ҳамда Тошкент вилоят прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖК бошқармаси жамоаси департаментнинг матбуот гуруҳи катта инспектори Гулчехра Раззоқовага падари бузурқоври

НАРУЗУЛЛА отанинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изхор этади.

Республика Бош прокуратура-си ҳамда фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази жамоаси прокуратура фахрийси

Умаржон ЙЎЛДОШЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент вилоят прокуратураси жамоаси Ўртачирчиқ туман проку-рорининг катта ёрдамчиси Маъ-мура Ҳикматовога волидаи муҳта-рамаси

ШАРОФАТ аянинг вафот этганлиги муносабати билан чўқур ҳамдардлик изхор эта-ди.

Дипломатик келишув

Жанубий Корея ташқи ишлар ҳамда ташқи савдо вазири Пан Ги Мун Москвада Россия ташқи ишлар вазири Сергей Лавров билан учрашди. «Новости» ахборот агентлигининг хабар беришича, учрашувда Корея яриморлида ядровий массалар борасида олти томонлама музокарани янада жонлантириш, Россия ҳамда Жанубий Корея давлатлари ўртасида энергетика соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда Ўртаосиё давлатларидан Россияга қўчиб келган корейларнинг ижтимоий муҳо-фазасини таъминлаш масалалари кўриб чиқилган. Шунингдек, корейлик дипломатлар Европанинг яна бешта давлатида бўлиб, дипломатик учрашувлар ўтказди.

Фаргона вилоят прокуратураси жамоаси прокуратура фахрийси

Умаржон ЙЎЛДОШЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан оила аъзоларига чўқур ҳамдардлик билдиради.

Ҳодиса

Самода бўладиган турли хил гаройиб ҳодисалар ҳеч қимми бефарқ қолдирмайди. Айниқса улар белгиланган вақтда бўлиб ўтса. 29 март кунини айнан шундай воқеалардан бири — қуёш тутилиши содир бўлди. Шу кунни қутилган «томоша»га минглаб ишқибозлар ҳозир бўлишди.

Қуёш тутилди



Қуёшнинг тўла тутилиши Гринвич вақти билан кундузи соат 11⁴⁰ (Тошкент вақти билан соат 15⁴⁰)да Бразилия заминда бошланиб, Мўғулистоннинг шимолий чегараларида ниҳоятга етган.

«Астрономик томоша» ишқибозлари айрим жойларда бир неча соғия, бошқа жойларда эса тўрт дақиқа давом этган куннинг бир зумда тунга айланишини ҳайрат билан кузатганлар.

Кимдир осмон ҳодисасини кўриб, ибодат қилган бўлса, бошқалар қичқирган, яна бировлар эса ҳайратдан чапак чалган.

Ушбу табиат ҳодисаси уч соатча давом этган. Дастлаб Бразилиянинг шарқий соҳилида отаётган тонг қуёши юзини ой тўсиб олган.

Қуёш чўкиб кун ёришисини ўрнига яна бир неча соғиялик тун кириши Атлантика океани устида кузатилган.

Навбат Африка қитъасига етиб келиб,



Гана пойтахти Аккра кўчалари ҳодисани томоша қилаётган одамлар билан тўлган. Бирданига ҳаво ҳарорати пасайиб кетиб осмонни зулмат қоллаган.

Гринвич вақти билан соат 10¹¹ да қуёш Ливия саҳраларида тутилди. Бу ерда профессионал ҳамда ишқибоз астрономлар қуёшнинг энг тўла ва узок мuddат тутилишини кутиб йиғилиб турардилар. Ҳодиса жами икки юз қирқ етти соғия давом этган.

Ливия ҳукумати бу томошани кўриш учун саҳрода етти миң киши учун жой ҳозирлаб қўйган эди.

Шимолий-шарққа йўл солган қуёш тутилиши Уртаер денгизи устидан ўтиб Туркияга етиб келди.

Америка Қўшма Штатларининг фазовий тадқиқотлар агентлиги ҳамда Буюк Британиянинг қироллик астрономия институти астрономлари ҳамда минглаб ишқибозлар ҳодисани Туркиядаги амфитеатрда кузатганлар.

Сўнг қуёш тутилиши Грузия ҳудудига ўтган, Шимолий Кавказдан Каспий денгизининг соҳиллари бўйлаб Қозоғистон ҳудудига етиб борган.

Қозоғистоннинг катта ҳудудидида ушбу астрономик ҳодиса юз бериб, Мўғулистон чўллари устида ботаётган қуёш ҳар кунгидан эртароқ уфққа бош қўйгандек бўлган.

Қуёш тутилиши Бразилия қирғоқларида 29 март кунини тонгда бошланган. Олдинги тўла қуёш тутилиши 2003 йили Антарктика устида кузатилган.

Ҳамидулла

ўглини уйлантириш учун емай-чмай пул жамғарди. Ва ниҳоят ўглини ўзи ёқтирган қизга унаштирди. Лекин тўйга бир ҳафта қолганида отаси кўккирдан қазо қилди. Тўй кечикди. Отасининг қирки ўтгач, маҳалла катталарига маслаҳат солди.

Нархи баланд мулла

Бирини кўриб фикр қил...

— Тўй ҳам, аза ҳам ўзимизники, — деди маҳалла оқсоқоли. — Қазойи мутлаққа чора йўқ. Отангиз Ҳамдам ҳожи барча-мизга ибрат бўлиб яшаб ўтди. Энди у кишининг руҳини шод қиламан десангиз, тўйни дангур-дунгур қилманг. Дастурхонга ароқ тортманг. Маслаҳатим, чиройли амри маъруф қиладиган муллани таклиф қилинг...

Ҳамидулла ўгли Иззатулла билан кенгашди. Оқсоқолнинг гапини айтди.

— Сиз нима десангиз, шу, ота, — деди Иззатулла. — Қора-булқда дуруст маъруза қиладиган домла бор экан, олиб келамиз.

Маҳалла таомилига кўра сабзи тўғраладиган оқшом Қуръон ўқиб, эрталаб эл-юртга ош тортилади. Қорабулқлик мулла кечқурун ўқилмасин, эрталаб ўзим ўқийман дебди.

Тонгда маҳалла тўйга айтилди. Қирдик Дастурхон кўржам безатилган, хушталым мастава тортилди. Бўшаган идишлар йиғиштириб олингач, микрофон созилди. Ичкари уйнинг тўрида ўтирган домла маъруза бошлади. Авал тўй эгаси, унинг ота-онаси, тўйга сабабчи бўлган ўғил, бўлажак келин ҳақида дуо

қилинди. Қуръони карим ва ҳадисдан мисоллар келтирилиб, фарзанд тарбияси, оила, никоҳ ҳақида жўяли гаплар айтилди. Бора-бора маърузачи қизишиб кетиб, сенсирашга, дўқ-пўписа қилишга ўтди.

— Сен эркакмисан е даюсу?! Нега хотинингни кўчага чиқарасан, бозорда савдо қилса ишинг йўқ. Кеч келса ҳам парвойинг палак... Ориятимиз йўқ ўзи. Ҳалол билан ҳаромнинг фарқига бормай қўйдик. Дунё тўплашга берилиб кетдик. Хайр-садақа деса, пешонангиз тиришади...

Шунга ўхшаган гаплар билан маъруза роса бир соатга чўзилди. Утирганларнинг тоқати тоқ бўлди. Ишга борадиганлар безовталаниб, соатига кўз ташлашди. Ўзбекчилик, фотиҳа бўлмай, туриб кетиш ноқулай.

Ниҳоят ош сузилди. Биз ташқарида ўтирганимиз учун тезроқ фотиҳа олиб, тарқалдик.

Кейин эшитишимча, домла Қуръон ўқибди. Хайрлашар чоғида Ҳамидулла отасининг руҳини шод қилиш учун домлага бош-оёқ сарпо қилиб, тўн қатиға бир пачка икки юз сўмлик пул солибди. Мулланинг ҳам тиркичилиги бор деб ўйлаган

бўлса керак-да. Ҳамидулланинг хотини ҳам дуррага қанд-курс, писта-бодом тугиб тутибди. Муллани иззат-икром билан «Матиз» машинасига миндириб, уйига кузатибди.

Пул бошқарган қувё бола меҳмонни уйига элтиб қўйибди.

— Сиз кетмай туринг, — дебди домла машинадан тушаркан, — гап бор.

Бироздан кейин домла кайфияти бузилиб чиқибди. Машинага қайта ўтириб, қувё болага шундай дебди:

— 20.000 сўм учун мен тўйга бориб маъруза қилмайман. Менинг нархим анча баланд юради. Бориб, отангизга айтиш тоқ бўлди. Ишга борадиганлар безовталаниб, соатига кўз ташлашди. Ўзбекчилик, фотиҳа бўлмай, туриб кетиш ноқулай.

Ниҳоят ош сузилди. Биз ташқарида ўтирганимиз учун тезроқ фотиҳа олиб, тарқалдик. Кейин эшитишимча, домла Қуръон ўқибди. Хайрлашар чоғида Ҳамидулла отасининг руҳини шод қилиш учун домлага бош-оёқ сарпо қилиб, тўн қатиға бир пачка икки юз сўмлик пул солибди. Мулланинг ҳам тиркичилиги бор деб ўйлаган

Абдулаҳад УРМОНОВ, «Асака оқшом» газетаси муҳбири

Тафаккур чирози

— Эрк — бахтиёр яшаш учун берилган имкондир. Ушбу имконни унутган киши ҳеч қачон бахтиёр яшай олмайди.

— Бурч ва маъсулятиятни тан олмаган эрк бебошлиқдир.

— Мутлақ эрк — хом ҳаёдир; кўчага чиққан захотинг эркининг бошқалар эрки билан уйғунлаштиришга мажбурсан.

— Ҳамма эркин яшашни истайди, бироқ сизнинг эркин яшашингиз менинг эркин яшашимга халақит бермасин!

— Эркинликни ҳамма севди, аммо эркинликни қонулар доирасида севин ҳамманинг ҳам ҳаёлига келвермайди.

— Эркиннинг ҳам ўз чегараси бор, чегарасидан чиққан эрк бедодликка айланади.

— Давлат қонулар доирасидидаги эркинликни ҳимоя қилади.

Виктор АЛИМАСОВ, фалсафа фанлари доктори, профессор

Бозор тоғани қишлоқдаги бир тадбирга таклиф қилишганди, олдинроқ бориб қолган эканми, мезбон уни ичкарига бошлади:

— Бозор тоға, уйга кириб ўтиринг, ҳозир оқсоқоллар ҳам келиб қолишади.

Бозор тоға дастурхон тузалган меҳмонхонага кираркан, «биринчи бўлиб ўзим келибман-да» деб

Мендан олдин келган экан

ўйлади. Уйнинг тўрига ўтиб ўтираётган эди, уйнинг пойгак томонида қўйилган катта тошойнадаги ўз аксига кўзи тушиб, шовганиданми салом бериб юборибди.



— Э, ассалому алайкум, хуш кўрдик. Мен биринчи бўлиб келдим десам, менам олдин ҳам келганлар бор экан-ку...
Илҳом ЗОЙИР



— «Нуқуқ»нинг ўтган сонини ўқидингизми, биродар? А.ТўРАЕВ олган сурат.

Ҳарфларни тўғри кетма-кетликда улаб, яширилган сўзни аниқланг.

А Г Б	Р О	И Т Ш	Н Д Е	Н Л	Р А Б
Р Р И	И О	Р Л Б	С О Н Я	О Т А О	Н Т А Н
Ф Ф И	О З Т	Л Б А А	С О Н Я	М К Ф	О К
И К	Л Я	Ш К К И	А Ц И	А А	А Д

Ўтган сондаги ребус жавоблари: эксгумация, патронаж, модернизация, рекордек, эмансипация.

Сизнинг фикрингиз қандай?

Хурматли газетхон! Газетамизнинг янада мазмунли ва қизиқарли қиқши Сизнинг фикр-мулоҳазаларингизга боғлиқ. Газетамиз саҳифаларида қандай материаллар ўқишни ҳоҳлайсиз? Сизнингча, биз ҳаётимизнинг қайси жабхаларини етарлича ёритолмаёмиз? Балки сизнинг ҳам ўз айтар сўзларингиз бордир.

Таклифларингиз бўлса, бизга қўнғорқ қилинг! Агар бунинг иложини тополмасангиз ёзма шаклда электрон почтамызга ёки Тошкентдаги почта манзилимизга юборинг. Сизлардан келган таклифларнинг ҳеч бири эътиборсиз қолмайди.

Марҳамат, фикр билдинг.

Телефон: (371) 133-10-53, 133-98-40
E-mail: huquq@list.ru

HUQUQ
yuridik gazeta

Ta'rischi:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir vazifasini bajaruvchi:
Jahongir SHAROFBOYEV

Tahrir hay'ati:
Yusupboy G'OIPOV, Svetlana ORTIQOVA, Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul kotib vazifasini bajaruvchi), Pirimqul QODIROV, Abduxoliq ABDURAZZOQOV

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-98-40, 133-26-62.
E-mail: info@huquq.uz.
Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 023-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231

Buyurtma G — 856.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahilalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: **Sh.YODGOROV**
Musahihchi: **A.MUSTAFOYEVA**

Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etiladi. Korxon manzili: Toshkent shahar, Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 17.30. 1 2 3 4 5 7 8

Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda